

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАСИОН ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Жиззах Политехника институти “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси
ассистенти*

Худайбердиев Бобир Ботурович

2-курс талабаси

Толибов Сарварбек Соҳиб ўғли

Аннотатсия: Ушбу мақолада мамлакатимизда қурилиш индустриясини хусусийлаштириш натижасида шаклланган қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари фаолиятини инновасион бошқариш тизими ва ривожлантириш тамойилларини такомиллаштириш, кичик бизнес субъектларининг самарали ишлаши учун унинг ташкилий бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес субъектлари, инновасион бошқарув усуллари, бошқарув тамойиллари, ягоналик, оқилоналик, монандлик, дифференциаллик, мавжудлилик, режалилик, мўлжаллилик, алоқа тизими.

КИРИШ

Замонавий жамият тараққиётини илмий-техникавий ривожланишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳақиқатдан, атрофимиз шу қадар тез ўзгармоқдаки, ба'зида яқин ўтмишга назар ташлар эканмиз, биз бир неча йил ичида ҳаётимиз қанчалик ўзгарганлигидан ҳайратда қоламиз. Шу боисдан инсон яшаш фаолиятининг хавфсиз ва қулай муҳитини шакллантириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини жадал инновасион ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бу - иқтисодиётнинг барча тармоқларида илмфан ва техника ютуқларини ҳамда замонавий инновасион технологияларни ўзида мужассам этган инновасион бошқарув усуллари кенг қўллаш ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва ташқи бозорга кириш, рақобатбардошликка эришиш учун кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришда инновасион усуллардан фойдаланиш зарур бўлади. Чунки бозор муносабатлари шароитида ўз фаолиятида инновасион бошқариш усулларига э'tибор бермаслик рақобат курашида ўз ўрнини бериб қўйишга олиб келади.



Кичик бизнес суб'ектларида доимий равишда янгиликларни қўллаш имконияти мавжуд.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик суб'ектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шартшароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг сони ҳам йилдан-йилга ошиб бориши кузатилмоқда.

Жумладан, 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) республикаимиз бўйича 411 203 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 76 436 тага ёки 22,8 фоизга кўпайди.

2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик суб'ектларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 53,9 фоизни ташкил этди[4].

Ўрни келганда мамлакат иқтисодиётининг қурилиш соҳасидаги кўрсаткичларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда 2017-2020 йилларда ислохотларнинг натижаси ўлароқ, қурилиш сектори иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан жадал сур'атларда ўсаётганлигини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. 2017-2020 йилларда қурилиш сектори бошқа тармоқларига нисбатан ўсиш сур'атлари Манба: Статистика маълумотларига асосланган ҳолда муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мазкур тармоқнинг миллий иқтисодиёт таркибида улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Қурилиш тармоғининг ЯИМ таркибидаги улуши 5,7 %ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 7,0 %га етган. 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра, қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 41,0 мингтани ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 1,7 баробар ёки 17,1 минг бирликка ошган.



Курилишда банд бўлганларнинг сони 2020 йилда 2017 йилга нисбатан 15,6 минг нафарга ошиб, 1,3 млн. нафарни ташкил этди. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда иқтисодиётда банд бўлганларнинг қарийб 10 фоизи мазкур тармоққа тўғ'ри келмоқда[5]. 2017 йилда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 35,0 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 107,4 трлн. сўмга етди. 2020 йилга нисбатан ўсиш сур'ати 6,8 фоиз ёки 19,3 трлн. сўм кўпроқни ташкил этди[6]. Шунингдек, иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинганда, бажарилган қурилиш ишларининг асосий қисми бино ва иншоотларни қуриш ишлари ҳажмига (жами кўрсаткичга нисбатан улуш 74,5 %га) тўғ'ри келмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки қурилиш ишларида сўнгги йилларда нодавлат секторининг улушини ошиб бориши ҳам кузатилмоқда. Мисол учун, 2017 йилда мазкур кўрсаткич 95,2 %ни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра у 95,8 %га етди. Қурилиш соҳасида ҳам бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик суб'ектларининг тутган ўрни кундан кунга ошиб бормоқда. Хусусан, 2020-йилда 63 тирилليون 614,9 миллиард сўм ёки жами бажарилган қурилиш ишларининг 72,4 фоизи айнан кичик тадбиркорлик суб'ектлари томонидан амалга оширилган. Бу эса ушбу кўрсаткични 2017 йилга нисбатан 2,4 фоизга кўп демакдир.

Энг муҳим ўзгаришлардан бири шундаки, жорий 2021 йилда республикамизда 1 триллион 379,3 миллиард сўмлик арзон уйлар ҳамда 4 триллион 85,1 миллиард сўмлик янги турар-жойлар кичик тадбиркорлик суб'ектлари томонидан қурилди[7]. Фикримизча, кичик бизнес суб'ектларининг самарали ишлаши учун унинг ташкилий бошқарув тузилмасини тўғ'ри танлаш муҳимдир. Компаниянинг ташкилий тузилмаси, биринчи навбатда, унинг алоҳида бўлинмалари ўртасида аниқ муносабатларни ўрнатишга, улар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлашга қаратилган бўлиши керак. У бошқарув тизимини такомиллаштириш учун турли хил бошқарув тамойилларида ифодаланган турли талабларни амалга оширади. Корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилмалари жуда хилма-хил бўлиб, кўплаб об'ектив омиллар ва шартлар билан белгиланади.

Корхонани бошқаришнинг самарали тузилмасини яратиш - бу янги бошланувчи тадбиркор ҳал қилиши керак бўлган энг муҳим вазифалардан биридир.

Корхонанинг ўсиши ва фаолият доирасининг кенгайиши билан оқилона тузилмага бўлган эҳтиёж янада ортади. Етуклик босқичида, ҳатто корхонанинг



гуллаб-яшнаши, ташкилий тузилмаси унинг ҳаётийлигини белгиловчи асосий омилга айланади. Корхонанинг ўзгарувчан шароитларга мослаша олиш қобилияти унинг рақобатбардош бўла олиши ва ўз имкониятларини сақлаб туришига боғлиқ. Қурилиш корхонасини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси самарадорлигини таъминлаш аввало, умум қабул қилинган тамойилларни амал қилиш ҳолатига боғлиқ бўлади (2-расм).



2-расм. Қурилишда кичик бизнес корхоналарини самарали ташкил этиш тамойиллар Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу тамойилларга кўра, кичик қурилиш корхонасининг ташкилий тузилмаси ва уни бошқариш музлатилган ёки ҳаракатсиз нарса эмас, улар ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мос равишда доимий равишда ўзгариб туради ва такомиллаштирилади. Шу билан бирга, бундай ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини ўз вақтида аниқлаш муҳимдир. Кичик қурилиш корхонасининг ташкилий тузилмаси биринчи навбатда унинг алоҳида бўлинмалари ўртасида аниқ муносабатларни ўрнатишга, улар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлашга қаратилган. У бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича турли хил талабларни амалга оширади, улар турли хил бошқарув тамойилларида ифодаланади.

Хулоса. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш индустриясининг иқтисодиёт таркибида тутган ўрни ва аҳамияти мамлакатнинг ривожланиш босқичларига қараб ўзгариб туради. Бу тармоқнинг улуши ривожланишнинг дастлабки босқичларида (ривожланаётган мамлакатлар) ўсиб боради, мамлакат ўртача даромадли мамлакатлар (янги саноатлашган мамлакатлар) даражасига



етганида барқарорлашади ва иқтисодий етуклик даврида (ривожланган мамлакатлар) пасаяди.

Инновасион ривожланиш шароитида Ўзбекистонда қурилиш тармоғида олиб борилаётган ишлар, хизматлар миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қаторида нафақат иқтисодиётнинг асосий фондларини яратувчи қисми сифатида, балки мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган инновасион таркибий ўзгаришлар ҳамда турли ижтимоий соҳадаги долзарб вазифаларни амалга оширишда ўзининг муҳим ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қурилиш соҳасида фаолият юритиб келаётган кичик корхоналарда олиб борилган илмий изланишлар натижалари шуни кўрсатадики, кичик бизнес суб'ектлари ё'лида тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш бугунги кунда долзарб мавзулардан бири ҳисобланиб қолмоқда.

Биз томонимиздан олиб борилаётган тадқиқотларга асосланиб қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнес суб'ектларини ривожлантириш;
2. Қурилиш соҳадаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш ва тегишли чора-тадбирларини мунтазам кўриб бориш ва ҳар қандай ҳолатда ҳам даврий равишда тизимли амалга ошириб борилиши керак.
3. Қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни эркин фаолият кўрсатишлари учун ишбилармонлик муҳитини янада қулайлаштириш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуллаев А., Муфтайдинов К., Айбешов Х. Кичик бизнесни 8. бош'ариш. Дарслик. —Т.: «Молия» нашриёти, 2003 й. -192 б.
2. Шарипов К.Б. Кичиктадбиркорлик фаолиятида тармок, буйича ихтисослашув жараёнларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт 9. фанлари буйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун такдим этилган диссертация автореферати. —Т.: “Академия ноширлик маркази” нашриёти, 2020 й. -61 б. 10.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябр ПФ-6119-сон "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновасион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мулжалланган стратегиясини тасдиқлаш тугрисида"ги Фармони.





4. [хттпс://www.stat.uz/](http://www.stat.uz/)

5. [хттпс://юз.уз/news/иқтисодий-тараққиёт-мезони](http://юз.уз/news/иқтисодий-тараққиёт-мезони)

